УзССР Давлат китоб палатаси
Инв. 8
Гос. книжная палата УзССР
20 ИЮН 1985

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 140 (19.216). ● 1985 йил 19 июнь, чоршанба ● Баҳоси 3 тийин.

## «КОСМОС—1661» ПАРВОЗДА

**1985 йил 18 июнь куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос-1661» учирилди.**

**Йўлдош ичига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.**

**Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди.**

**Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.**

**(ТАСС).**

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитетида 18 июнь куни оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари билан учрашув бўлди. КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган кенгашнинг йўл-йўриқларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Учрашув қатнашчилари ҳузурида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Матбуотда партия ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг, Советларнинг, хўжалик органлари, илмий муассасаларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш, хўжалик юритишнинг илғор тажрибасини оммалаштириш соҳасидаги кўп қиррали ишини чуқур ва мунтазам ёритиш зарурлигига эътибор қаратилди. Оммавий ахборот воситалари корхона ва бирлашмаларни техникавий реконструкциялаш, Ватанимиз машинасозлигини модернизациялаш, фан ва техника ютуқларини жорий қилиш, илмий тадқиқотларнинг базасини мустаҳкамлаш соҳасидаги, моддий ва меҳнат ресурсларини тежаш, тартиб, интизом ва уюшқоқлик учун кураш борасидаги муаммоларни фаол, мунтазам ёритишлари кераклиги ҳақида гаплашиб олинди. Ижтимоий онгни турмушнинг янги талаблари, партиянинг фан-техника тараққиёти асосида мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш йўли руҳида психологик жиҳатдан қайта қуришда матбуот, телевидение ва радионинг муҳим роли таъкидланди. Халқ хўжалигини қайта қуришнинг илғор тажрибасини кўрсатишни кучайтириш зарур, камчиликлар ошкора, аниқ-равшан ва амалий равишда танқид қилиниши керак.

Оммавий ахборот воситалари 1985 йилги планни ва умуман беш йиллик планни муваффақиятли бажариш йўлидаги курашда партия билан халққа актив ёрдам бериши керак.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. И. Рижков ва КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин қатнашдилар.

(ТАСС).

*КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди шарафига*

# МУСОБАҚА БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРАЙЛИК!

## ҚАЛБИМ БУЮРГАНИ

Партия йиғилиши, ишлаб чиқариш кенгашидан кейин кўпинча хаёлимни партиямизнинг XXVI съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қўйган вазифаларни бажариш учун корхонамиз меҳнат аҳли олиб бораётган курашга мен қандай ҳисса қўшаяпман, деган фикр чулғаб олади. Зотан, ҳар бир коммунист КПСС XXVI съездидан буён ўтган даврда қилган иши, мамлакатимизни иқтисодий ва социал ривожлантириш программасини амалга оширишга қўшган улуши ҳақида ўзига ҳисоб берадиган вақт келди.

Цехимиз коллективи ўн биринчи беш йилликнинг бошидан буён зарбдорларча меҳнат қилиб келмоқда. Ҳар бир ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчи ўз зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этиб, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш учун курашда фаол иштирок этяпти. Шу туфайли йиллик ва ойлик планлар муттасил бажарилмоқда.

Масалан, маҳсулотни реализация қилиш юзасидан 1984 йил ва шу йилнинг беш ойи учун белгиланган планлар шартномадаги мажбуриятни ҳисобга олган ҳолда заводда ҳам, цехимизда ҳам тўла адо этилди. Планга қўшимча равишда бир неча юз минг сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарилди. 1984 йили меҳнат унумдорлиги пландаги 5,9 ўрнига 7,8 процент ошди. Аттестацияга тақдим этилган маҳсулотнинг 52,2 процентига олий категорияли давлат Сифат белгиси берилди. Қарийб бир ярим минг тонна металл, саккиз минг киловатт-соат электр, 1565 гигакалорий иссиқлик энергияси тежаб қолинди.

Энди ўзим ҳақимда икки оғиз сўз. Заводга ишга келганимга ўн тўрт йил бўлди. Аввал устоз ишчиларга шогирд тушиб, касб ўргандим. Сўнг мустақил ишлашга ўтиб, турли вазифаларни бажардим. Мана, саккиз йилдирки, механика цехида фрезерчи бўлиб ишламоқдаман. Эндиликда ўзим ҳам ёшларга мураббийлик қиляпман.

Маълумки, 1981 йили республикамизнинг бир группа новаторлари бир беш йилликда икки беш йиллик нормасини бажариш ташаббуси билан майдонга чиқишганди. Улар орасида цехимизнинг илғор токари Г. Мурзин ҳам бор эди. Ўшанда бошқалар қатори мен ҳам ташаббускорлар изидан боришга қарор қилиб, ўн биринчи беш йилликда ўн йиллик нормани бажаришга сўз бердим. Бу даврга келиб тажриба орттирган, малакам бирмунча ошган эди. Ана шунга таяниб, кўп станокда ишлашга жазм қилдим. Цехимизда олтита фрезерлик станоги бор. Илгари уларни олти киши бошқарар эди. Ҳозир эса икки киши — мен ва ҳамкасбим Виктор Турков бошқармоқдамиз. Бу меҳнат унумдорлигини кескин ошириш имконини берди. Мен тўрт йилда саккиз йиллик нормага баравар иш бажардим ва ҳозир 1990 йилнинг август ойи ҳисобига маҳсулот беряпман.

Яқинда республикамиз халқ хўжалиги турли тармоқларининг 18 новатори «КПСС XXVII съезди шарафига 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида стахановчасига ишлаш ташаббусини бошлаб беришди. Уларнинг мақсади қалбимга жуда яқин ва тушунарли.

Индустриал Чирчиқ шаҳри саноат корхоналарининг ишчилари ўн саккизлар ташаббусини қизғин маъқулламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар. Шулар қатори мен ҳам новаторлар изидан боришга сўз бердим ва ўз зиммамга ўн йиллик топшириқни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллиги кунигача, 1986 йилнинг тўрт ойи учун белгиланган шахсий планимни КПСС XXVII съезди очиладиган кунгача бажариш, меҳнат унумдорлигини 8 процент ошириш, ҳамма маҳсулотни биринчи тақдим қилишдаёқ топшириш, тежалган материаллар ҳисобига икки кун ишлаш, бир ишчига фрезерчилик касбини ўргатиш мажбуриятини олдим.

Ҳозирги вақтда заводимизнинг 150 илғор ишчиси ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига ишламоқда. Механика участкасининг токари Е. Шальнев, ўраш ва магнит симлари цехининг ўровчилари С. Крупнов ва Н. Мажидов, комплект трансформатор подстанциялари цехининг электр монтажчилари Н. Ахтямова ва Т. Ковровалар шулар жумласидандир.

Корхонамизда «КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун курашга ҳар бир коммунист ўзининг шахсий ҳиссасини қўшсин» деган шиор остида социалистик мусобақа кенг қулоч ёзмоқда. Биз коммунистлар эса оз эмас — 450 кишимиз. Юзлаб партиясиз ишчилар ҳам биз коммунистлардан орқада қолмасликка интилиб, стахановчасига ишлашмоқда.

**С. АШИРОВ,**
**Чирчиқдаги трансформатор заводининг фрезерчиси.**





## ПЕШҚАДАМЛАР

**Нишон райони ғаллакорлари омилкорлик билан иш юритиб, бу йил мўл ва эртаки ҳосил етиштирдилар. Шу туфайли районда ғалла ўрими ўтган йилдагига қараганда 20 кун илгари бошланди. «Нишон» давлат наслчилик заводи далаларидаги ҳосил, айниқса, баракали. Ўрим-йиғимнинг дастлабки кунларидаги ҳисоб-китоблар ҳар гектар ердан 15 центнердан дон ҳосили олинаётганини кўрсатмоқда.**

**Хўжаликда ўрим-транспорт отрядларининг аниқ график асосида, бир маромда ишлатилиши таъминланмоқда. Комбайнчилар ўртасида социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилган. Меҳнат беллашуви ҳар куни якунланиб илғорлар кўчма вимпель билан мукофотланяпти. Суратларда: ўримда пешқадамлик қилаётган илғор комбайнчилар (чапдан) Владимир Светличний, Қоплон Сафаров, Олег Морозов ва ғалла ўрими тасвирланган.**

**Ш. Шаропов** фотолари (ЎзТАГ).

## ҲОСИЛ НИШОНАЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Бўз районидаги «Партия XX съезди» совхозида меҳнати билан эл назарига тушган заршунослар кўп. II ва III даражали Меҳнат Шуҳрати орденлари нишондори Назиржон Деҳқонов ана шундай тажрибакорлардан. У қарийб йигирма йилдан бери пахтачилик бригадасига етакчилик қилади.

Ўтган йили миришкорлар ҳар гектар ердан 40 центнердан ошириб ҳосил олишга эришдилар. Иш пудрат асосида ташкил этилганлиги туфайли йил давомида иш ҳақи фондидан 17,5 минг сўм миқдорида маблағ тежаб қолинди. Ўша маблағ йил якунида пахтакорларнинг иш ҳақига қўшиб берилди.

Бу йилги об-ҳаво анча мураккаб келди. Май ойида бўлиб ўтган икки кунлик қаттиқ шамол натижасида ғўзалар анча зарар кўрди. Табиат инжиқлигини енгиш учун барча бирдек қатъият кўрсатиб ишлади. Кўчатлар тўла сақлаб қолинди. Ҳозир ғўзалар текис шоналади. Парваришни тез ва соз ўтказишда Назиржон Деҳқонов бошлиқ бригада аъзолари ғолибликни қўлдан беришмаётир. Шу кунгача улар қатор ораларини икки марта культивациядан чиқаришди, ғўзаларни минерал ўғитлар билан озиқлантириш тугалланиб, барча карталардаги ниҳоллар бегона ўтлардан тозаланди. Ҳосил зараркунандалари — ҳашаротга қарши икки марта ишлов берилди.

Айни кунларда механизатор Муҳаммаджон Тўраев экинларни учинчи марта культивациядан чиқараётир. Унинг ҳамкасби Дадажон Турсунов СУЗ агрегати билан пахта майдонларини ўғитламоқда. Улар мавсумда 800-850 гектардаги ғўзаларга сифатли ишлов беришмоқчи. Моҳир механизаторлар КПСС XXVII съезди шарафига — 27 зарбдор ўн кунлик ҳаракатига қўшилиб, бу йил «зангори кема»лар билан 150-170 тоннадан «оқ олтин» териш мажбуриятини қабул қилишди.

**Ҳ. РУСТАМОВ.**
**Андижон области.**

## ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ — ЗАМОН ТАЛАБИ

**Ишлаб чиқаришни интенсивлаш сари туб бурилишни таъминлаш — сира кечиктириб бўлмайдиган умумпартия, умумхалқ ишидир. 18 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган кенгашда келгусидаги ишнинг асосий йўналишлари ҳақида, Ўзбекистон меҳнат коллективлари қўшиши лозим бўлган ҳисса тўғрисида гаплашиб олинди.**

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг масъул ходимлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

Фан-техника тараққиёти негизида мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг партия ишлаб чиққан концепцияси яқин беш йилликдаги ва 2000 йилгача мўлжалланган стратегик программа эканлиги, бу ҳақда ўртоқ М. С. Горбачевнинг яқинда КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашдаги докладида гапирилганлиги уқтириб ўтилди. Ҳозир, партиянинг XXVII съездига тайёргарлик даврида экономика ва бошқарув соҳасида, кадрларни тарбиялаш борасида ишга янгича ёндашишни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Кенгашда республика корхоналарининг қувватларини иш билан янада тўлароқ таъминлаш, агросаноат комплексини такомиллаштириш, меҳнат ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш проблемаси муҳим ўрин олди. Хўжалик қурилишининг ҳамма соҳаларида социалистик экономиканинг устунликларидан тўла-тўкис фойдаланиш, бутун диққат-эътиборни энг муҳим масалага — фан-техника тараққиётига қаратиш зарур. Кенг миқёсли янги вазифалар партиявий ишни ҳам чуқур ўзгартиришни талаб қилади: юқоридан пастгача кадрларнинг фикри-зикри ва кайфиятида бутун чоралар билан ўзгариш қилиш, ҳеч кечиктирмай турмушга татбиқ этиладиган узоқ муддатли сиёсий йўл ҳақида гап бораётганлиги англаб олинишига эришиш лозим.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

## ОДАМЛАР САЛОМАТЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ҒАМХЎРЛИК — ҲАММАНИНГ ИШИ

18 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва Соғлиқни сақлаш министрлигининг «Соғлиқни сақлашнинг методик-биологик проблемалари» мавзуида қўшма илмий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция иштирокчилари фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Ўзбекистондаги илмий муассасалар ва олий ўқув юртлари СССР Фанлар академиясининг «Мия», «Ионавий каналлар», «Гомеостаз» каби ҳамда физиология ва медицинанинг асосий проблемаларини ўрганишга қаратилган бошқа узоқ муддатли комплекс программаларни ишлаб чиқишда актив иштирок этаётганликлари айтиб ўтилди.

Кейинги вақтда илмий потенциал ҳам ўсиб, медицина илмий муассасаларининг тармоғи кенгайди, физиология институти, марказий илмий институтларнинг бир қанча филиаллари ташкил этилди.

Учрашув қатнашчилари ҳал этилмаган проблемаларга алоҳида эътибор бердилар ва медицина-биологик тадқиқотлар лабораторияси замонавий асбоб-ускуналар билан яхши таъминланмаганлигини айтдилар. Медицина кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини такомиллаштириш талаб этилади. Бугунги кунда фундаментал фанлар натижаларини практикага тезроқ жорий этиш биринчи даражали аҳамият касб этади.

(ЎзТАГ).

## «КУМУШ ТОЛА» — БОЙЛИГИМИЗ!

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ РАПОРТИ

**Қорақалпоғистон АССР пиллачилари КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага актив қўшилиб, давлатга пилла сотиш планини муддатидан илгари, 16 июнь куни бажардилар. Тайёрлов пунктларига 900 тоннадан ортиқ қимматли хом ашё етказиб берилди. Ҳар қути қурт уруғидан 60 килограммдан пилла териб олинди.**

**Элликқалъа, Тўрткўл, Амударё районларининг, Элликқалъа районидаги Калинин номли, Ленин номли, «Ленинград» колхозлари ва Орджоникидзе номли совхозининг, Тўрткўл районидаги Димитров номли, Ильич номли колхозлар ва «Ленинизм» совхозининг, Амударё районидаги Ленин номли, «Коммунизм» колхозлари ва «Қипчоқ» совхозининг пиллачилари социалистик мажбуриятларини анча ошириб бажардилар. Мазкур хўжаликларнинг пиллачилари ҳар қути қурт уруғидан 65 килограмм ва ундан ошириб пилла териб олдилар. Моҳир пиллакорлар Б. Отабоева, С. Нурқиличева, О. Реймбоева, А. Отахонова, Р. Алламберганова, О. Кўчқорова, З. Ортиқова, Б. Матназарова, Н. Тиллабоева, К. Давлатбоева ва О. Султоновалар ҳар қути қурт уруғидан 100—120 килограмм «кумуш тола» олишга муваффақ бўлдилар.**

**Давлатга пилла топшириш давом этмоқда.**

### ҲУРМАТ ТАХТАСИ

**Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди:**

**Қорақалпоғистон АССР** — область партия комитетининг секретари К. С. Саликов, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси Т. А. Ешимбетова, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси М. Ж. Юсупов, область қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси А. Тўғизбоев, область комсомол комитетининг секретари А. К. Худойбергенов, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи Б. К. Абибуллаева.

**Қувасой шаҳри** — шаҳар партия комитетининг секретари М. Раҳматов, шаҳар ижроия комитетининг раиси Н. Ж. Аҳмедова, шаҳар комсомол комитетининг секретари К. Тошматов, бош пиллахона директори К. Абдуллаев.

**Шаҳрисабз райони** — район партия комитетининг секретари Я. П. Иноятов, район ижроия комитетининг раиси Ш. Оллоназаров, район комсомол комитетининг секретари М. Исмоилова, бош пиллахона директори Р. Жуманиёзова.

**Фарғона райони** — район партия комитетининг секретари К. Икромов, район ижроия комитетининг раиси А. Сатторов, район комсомол комитетининг секретари К. Кўчқоров, бош пиллахона директори Ш. Умурзоқов.

**Риштон райони** — район партия комитетининг секретари О. Собиров, район ижроия комитетининг раиси Ҳ. Одилов, район комсомол комитетининг секретари М. Исмоилов, бош пиллахона директори Н. Шерғозиев.

**Паркент райони** — район партия комитетининг секретари А. П. Алимов, район комсомол комитетининг секретари Х. Д. Эрматов, бош пиллахона директори З. Йўлдошев.

## МАШИНАЛАР УЧУН ДЕТАЛЛАР

**● Янгийўл тажриба экспериментал заводининг мустаҳкамлагич деталлар ясовчи участкасида меҳнат унумдорлиги бир ярим баравар ошади. Бу ерда янги поток автомат линия монтаж қилинди. Натижада кўплаб ишчилар қўл меҳнатидан халос қилиниб, маҳсулот сифати ошди. Йил охирига қадар янгийўлликлар республикамиз, шунингдек, Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркманистон механизаторларига 100 тонна ана шундай маҳсулот — миллионта мустаҳкамлагич детал жўнатишга аҳд қилганлар. (ЎзТАГ).**

## ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛИГИ ДАРАЖАСИНИ ОШИРАЙЛИК

Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти Ўзбекистон республика кенгашининг 18 июнь куни бўлиб ўтган пленумида агросаноат бирлашмаларида, колхоз ва совхозларда, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ва Мева-сабзавот хўжалиги министрликларининг бошқа корхоналарида, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академияси Ўрта Осиё филиалининг илмий-тадқиқот институтларида ихтирочилик, рационализаторлик ва патент-лицензия ишининг аҳволи ҳамда бу ишнинг даражасини ошириш тадбирлари муҳокама қилинди.

Пленумда ихтирочилар ва рационализаторларнинг ижодий изланишини қишлоқ учун пишиқ-пухта ва чидамли техника яратишга, деҳқончилик, чорвачилик ва ем-хашак ишлаб чиқаришни комплекс механизациялашни таъминлашга, янги, серҳосил қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришга, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга қаратиш тадбирлари белгиланди.

(ЎзТАГ).

## ПЕДАГОГИКАНИНГ ЭНГ МУҲИМ ПРОБЛЕМАЛАРИ

Умумий таълим ва ҳунар мактаби ислоҳ қилиниши муносабати билан таълимнинг муҳим социал-педагогик проблемалари 18 июнь куни Тошкентда очилган олий ўқув юртлариаро илмий-амалий конференция қатнашчиларининг диққат марказида турибди.

Мамлакатнинг таниқли олимлари, маориф ходимлари, педагоглар педагог кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, мактаб ўқувчиларига таълим бериш практикасига замонавий ҳисоблаш техникасини, янги ўқув қўлланмаларини кенг жорий этишнинг энг зарур масалаларини муҳокама қилмоқдалар, ўз тажрибаларини баҳам кўрмоқдалар.

Учрашув қатнашчилари мактаб ўқувчилари ва студентларни ғоявий-ахлоқий ва эстетик жиҳатдан тарбиялашни яхшилашга, мавжуд камчиликларни тугатиш йўлларига алоҳида эътибор бердилар.

Конференцияда В. И. Ленин номли Москва давлат педагогика институтининг ректори, СССР педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси А. П. Петров, СССР педагогика фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси А. И. Пискунов, «Философские науки» журналининг бош редактори В. С. Готт, бошқа таниқли олимлар докладлар қилдилар.

(ЎзТАГ).

## КАРЕЛИЯДАГИ ТАНТАНАЛАР

КОСТОМУКША (Карелия АССР), 18 июнь. (ТАСС). СССР билан Финляндия ҳамкорлигининг энг катта объекти — Костомукша кон-саралаш комбинатининг барпо этилиши турли социал тузумдаги икки давлатнинг сиёсий муносабатлари тенглик, аралашмаслик, бир-бирини ҳурмат қилиш, чуқур ишонч ва ўзаро манфаатдорлик асосида ривожлана олиши мумкинлигини кўрсатувчи яхши намуна бўлди.

Комбинатни барпо этишда Финляндия фирмалари қатнашди. Комбинат қуриб битказилганлиги муносабати билан ўтказиладиган тантанали тадбирларда қатнашиш учун Финляндия Республикасининг Президенти М. Койвисто бугун Костомукшага келди.

Шу куниёқ Костомукшада Н. А. Тихонов М. Койвисто билан суҳбатлашди.

Совет — Финляндия муносабатларига оид масалалар, шунингдек халқаро аҳволнинг иккала томонни қизиқтирувчи баъзи муҳим проблемалари муҳокама қилинди.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар барқарор ва муттасил дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1948 йилги Шартнома руҳида ривожланиб бораётганлиги мамнуният билан қайд этиб ўтилди. Дўстлик ва ишончни мустаҳкамлаш йўлига бундан буён ҳам оғишмай амал қилиш, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши намунаси бўлиб қолган Совет-Финляндия муносабатларида тўпланган барча ижобий натижаларни авайлаб асраш ва кўпайтириш муддаоси тасдиқланди.

Костомукшада Совет ҳукуматининг бошлиғи ва Финляндия Президенти кон-саралаш комбинати қуриб битказилганлигига бағишланган митингда иштирок этдилар.

Костомукшадаги шундай катта қўшма лойиҳанинг муваффақиятли равишда амалга оширилганлиги муттасил кенгайиб бораётган ҳамкорлик мамлакатларимизга, уларни иқтисодий ва социал тараққий эттиришга қанчалик катта наф келтираётганлигидан яққол далолат бермоқда, деди жумладан митингда Н. А. Тихонов.

М. Койвисто ҳам йиғилганларга мурожаат этиб нутқ сўзлади.

Митингда сўзга чиққан кишилар СССР билан Финляндия ўртасидаги иқтисодий алоқалар олис истиқболни мўлжаллаб қурилаётганлигини, чунки бу алоқалар иккала мамлакат моддий бойлигини кўпайтиришгагина эмас, шу билан бирга бу мамлакатлар халқларининг дўстлигини мустаҳкамлашга, халқаро вазиятни яхшилаш ишига ҳам хизмат қилаётганлигини таъкидладилар.

Сўнгра корхона қурилиши вақтида иккала мамлакатнинг ўзаро манфаатли самарали ҳамкорлиги тўғрисида ёдгорлик сифатида навқирон шаҳар марказида барпо этилган Совет — Финляндия дўстлиги монументини очиш маросими бўлди.

(ТАСС).

